

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИНГ

2 – сонли баёни

Тошкент шаҳри

2020 йил “27” февраль

Йиғилиш жойи: Ўзмиллийбанк Бош оғиси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-үй.

Йиғилиш вақти: 9:30 – 10.30

Ўзмиллийбанк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги департамент директори Абдушукуров Жамшид Абдигалипович очди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар, Ўзмиллийбанкнинг Устави ҳамда банк Кузатув кенгашининг 06.02.2020 йилдаги 7-сонли мажлис баёнига мувофиқ Ўзмиллийбанк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 27.02.2020 йилда чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда умумий йигилишни ўтказиш тўғрисидаги хабар Банкнинг расмий веб-сайтида, Корпоратив маълумотлар ягона порталада жойлаштирилган, акциядорларнинг электрон почта манзилларига юборилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 68-моддаси ҳамда Кузатув кенгашининг қарорига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш хуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 21.02.2020 йил деб белгиланган.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (кворумга эга эканлиги) бўйича сўз Саноқ комиссиясига берилди.

Саноқ комиссияси томонидан Ўзмиллийбанк акциядорларининг реестрига кўра, 21.02.2020 йил ҳолатига навбатдан ташқари умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга 11 582 700 201 дона оддий акциялар эгаси бўлган 2 (икки) та акциядор киритилганлиги маълум қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги – 4 807 929 061 дона (41,5%) оддий акциялар ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси - 6 774 771 дона (58,5%) оддий акцияларга эгалик қиласи.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан Умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Саноқ комиссияси йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 11 582 700 201 донасига ёки 100,0 фоизига эгалик килувчи 2 нафар акциядор ва уларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум килди.

Саноқ, комиссияси баённомаси, акциядорлар ва уларнинг вакиллари рўйхати, Саноқ комиссияси маълумоти илова қилинади.

Йиғилишга раислик қилувчи Ўзмиллийбанк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва Ўзмиллийбанк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида Ўзмиллийбанк акциядорлари ва уларнинг вакиллари ҳамда банкнинг масъул ходимлари иштирок этаётганлиги тўғрисида хабар берди.

Йиғилишнинг Ишчи органлари қуйидаги таркибда тузилди.

Йиғилиш ҳайъати: Ш.Вафаев, Ж.Абдушукоров.

Йиғилиш котиби: Б. Юсупов.

Саноқ комиссияси: Б.Юсупов, С.Гаивов, Ж.Мухамадиев.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонасини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4540-сонли қарорига асосан “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖнинг 2020 — 2023 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси”ни (Ўзмиллийбанк Бошқарувининг 17.02.2020й.даги 32-сонли қарори билан ишлаб чиқилган) тасдиқлаш.

2. Мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш тўғрисида.

3. Ўзмиллийбанк Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар ўрнини қоплаш ҳаки ва тўловларнинг миқдорларини белгилаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида.

Умумий йиғилишнинг иш тартиби қўйидагича белгилаб олинди:

Кун тартибига киритилган масала бўйича ҳисботот ва ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қўйидаги регламент ўрнатилди:

- кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун - 15 дақиқагача;
- кун тартибидаги масалалар мухокамаси учун - 10 дақиқагача;
- кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш учун - 5 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масала бўйича овоз бериш тартиби ҳам белгиланиб олинди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан йиғилишга раислик қилувчи тегишли тушунтиришлар берди.

Кун тартибига киритилган масалани кўриб чиқиш натижасига кўра, банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖнинг 2020 - 2023 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан ҳамда жорий йилнинг олти ой якунлари бўйича халқаро консультантларни жалб қилган ҳолда қайта кўриб чиқилсин.

Овоз берилди: 11 582 700 201 овоз.

“Ёқлайман”- 11 582 700 201 овоз (100%), “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.

2. Ўзмиллийбанкнинг 2019 йил якунлари бўйича молиявий ҳисботлар халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган жамланма молиявий ҳисботининг йиллик аудитини ўтказиш мақсадида (Ўзмиллийбанк Бошқарувининг 25.02.2020й.даги 34-сонли қарори), «Ernst & Young» МЧЖ халқаро аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузишга розилик берилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 11 582 700 201 овоз.

“Ёқлайман”- 11 582 700 201 овоз (100%), “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.


3. Ўзмиллийбанк Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар ўрнини қоплаш ҳақи ва тўловларнинг миқдорларини белгилаш тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 11 582 700 201 овоз.

“Ёқлайман”- 11 582 700 201 овоз (100%), “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.

**Ўзмиллийбанк акциядорларининг
Навбатдан ташқари умумий
йиғилиши раиси**



Ж.А. Абдушукуров

**Йиғилиш котиби,
Банк корпоратив бошқарув
хизмати бошлиғи**



Б.М. Юсупов



**“Ўзбекистон республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилишида овоз бериш учун
Акциядор (ёки унинг вакилининг)
№ 1/1-сонли БЮЛЛЕТЕНИ**


Овоз берувчи акциялар сони **4 807 929 061** дона ёки **41,5%**

Ташкент ш., А.Темур кўчаси, 101-уй
соат ___:

«27» феврал 2020й.

№	Кун тартибидаги масалалар	Ёқлайман	Қаршиман	Бетарафман
1	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонасини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4540-сонли қарорига асосан “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖнинг 2020 — 2023 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси”ни тасдиқлаш.	✓		
2	Ўзмиллийбанкнинг 2019 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига (МХХС) мувофиқ тайёрланган жамланма молиявий ҳисботининг йиллик аудитини ўтказиш мақсадида «Ernst & Young» МЧЖ халқаро аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузиш.	✓		
3	Банк кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрнини қоплаш ҳақи ва тўловларнинг миқдорларини белгилаш.	✓		

Абдушукуров Жамшид Абдигалипович



(имзо)

✓ – овоз бериш тартиби

**“Ўзбекистон республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилишида овоз бериш учун
Акциядор (ёки унинг вакилининг)
№1/2-сонли БЮЛЛЕТЕНИ**

Овоз берувчи акциялар сони **6 774 771** дона ёки **58,5%**

Ташкент ш., А.Темур кўчаси, 101-уй
соат ___:

«27» феврал 2020й.

№	Кун тартибидаги масалалар	Ёқлайман	Қаршиман	Бетарафман
1	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонасини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4540-сонли қарорига асосан “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖнинг 2020 — 2023 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси”ни тасдиқлаш.	✓		
2	Ўзмиллийбанкнинг 2019 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига (МХҲС) мувофиқ тайёрланган жамланма молиявий ҳисботининг йиллик аудитини ўтказиши мақсадида «Ernst & Young» МЧЖ халқаро аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузиш.	✓		
3	Банк кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрнини қоплаш ҳақи ва тўловларнинг миқдорларини белгилаш.	✓		

Вафаев Шухрат Абдушарифович

✓ – овоз бериш тартиби